

КАШКАДАРЁ ВОХАСИ ОСТАДОНЛАРИ ЗАРДУШТИЙЛИК ДАФН МАРОСИМЛАРИНИНГ АРХЕОЛОГИК ВА ТАРИХИЙ ТАЛКИНИ

Содиқова ШаҳодатТохировна

Шахрисабз давлат музей қўриқхонаси катта илмий ходими.

Эшева Гавхар Жумаевна

Шахрисабз давлат музей қўриқхонаси Этнография бўлими бошлиғи.

Аннотация: Ушбу маколада Кашкадарё воҳаси, хусусан Кеш (Шахрисабз) ҳудудида топилган зардуштийлик динига оид остадонлар, уларнинг дафн маросимларидаги ўрни ва ахамияти таҳлил килинган. Остадонларнинг шаклий хусусиятлари, безак услублари ҳамда уларда акс эттирилган диний-мифологик тасвирлар ўрганилган. Шунингдек, Шахрисабз давлат музей-қўриқхонаси экспозициясида сакланаётган остадонлар мисолида зардуштийларнинг дафн маросимлари диний тасаввурлари ва маънавий қарашлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: остадон, оссуарий, зардуштийлик, дафн маросими Кашкадарё, Кеш, Шахрисабз, археологик топилма, суякдон, диний эътикод, музей экспонати

Аннотация: В данной статье рассматриваются остадоны, использовавшиеся в погребальных обрядах последователей зороастризма, их происхождение, формы и художественное оформление. На основе остадонов, обнаруженных на территории Кашкадарьинского оазиса, в частности древнего Кеша (Шахрисабза) анализируются погребальные традиции, религиозные представления зороастрийцев и символическое значение изображений на поверхности костехранилищ. Особое внимание уделено уникальным экспонатам представленным в экспозиции Государственного музея-заповедника Шахрисабза, а также их историко-культурн начению.

Ключевые слова: остадон, оссуарий, зороастризм, погребальный кашкадарья, Кеш, Шахрисабз, археологическая находка, оссуарий, религиозные верования, музейный экспонат

Abstract: This article examines ostadons (ossuaries) used in the funerary practices of Zoroastrian communities, focusing on their origin, forms, and decorative features. Based on examples discovered in the Kashkadarya oasis, particularly in ancient Kesh (Shahrisabz), the study analyzes Zoroastrian burial traditions, religious beliefs, and the symbolic meaning of the images depicted on ossuaries. Special attention is given to the unique ostadons exhibited in the Shahrisabz State Museum-Reserve and their historical and cultural significance.

Keywords: Ostadon, ossuary, Zoroastrianism, burial rite, Kashkadarva, Kesh, Shahrisabz archaeological find, bone container, religious belief, museum exhibit

Шаҳрисабз давлат музей қўриқхонаси таркибига кирувчи Чубин мадрасасида “Кеш маданияти ва тарихи” кўргазмаси ташкил этилган ва ҳозирги кунда ҳам фаолият олиб боради.

Кўргазманинг биринчи қисми “Авестога тенгдош Шаҳрисабз” деб номланиб , бўлимда қадимги Кеш худудидаги милоддан аввалги I-минг йилликларда инсониятнинг ривожланиш тарихи , маданияти ва эътиқоди каби масалалар ёритилади.

Ушбу кўргазмада эрамининг V-VI асрларга тегишли Остодон ва Оссуарийлар ҳам ўрин эгаллаган.

Остодон - зардуштийлик динига мансуб халқларда марҳумнинг суяги солинган сопол , тош ёки ганч идиш, суякдондир. Зардуштийларда ўликни ерга қўмиш ман этилган. Бунда улар “ она ер муқаддас , у барча жонзотнинг боқувчиси , тупроқнинг таркибини бузмаслик керак” деган ақидага амал қилишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир туман, шаҳар ва қишлоқларда баланд тепаликларда махсус супалар ясаб , ўликни ўша ерга элтиб бараҳна (яланғоч) тарзда қўйишган.

Қушлар ва паррандалар мурда гўштлирини еб кетгач, суякларини йиғиштириб олиниб остодонларга солиниб махсус хоналарда сақланган. Остодонлар лойдан кулоллар томонидан кесма нақшли тарзда ясаиб , махсус хумдонларда пиширилган. Улар турли хажмда бўлган. Улар ўта мукамал ишланган. Ўрта Осиё халқларида Остодонга солиб қўмиш одати милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг I- ярмида шаклланиб , милодий VIII- асргача давом этган. Остодонлар илк ўрта асрларда оид ноёб топилмадир. Остодонларнинг ишланиш техникаси ва ўлчами бир - биридан фарқ қилади.²

Зардуштийларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб (эзгулик худоси Ахурамазда билан ёвузлик худоси Анхро Манё -Ахриман ўртасида) табиатда ва инсоният ҳаётида давом этади. Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат тортиқ қилувчи худо ҳисобланган. Ахурамазда ҳаётни ва дастлабки оламни яратувчи худо деб фараз қилинган. Анхро Манё ёвузлик, касаллик, ўлим ва зулмат келтирувчи худо ҳисобланган. Зардуштийларнинг таълимотига кўра инсон ўзининг фикрлари ва сўзлари билан Анхро Манёга қарши бўлиши лозим эди. Ким бу дунёда ҳалол, камтар ва меҳнатсевар яшаб ўтса у нариги дунёнинг жаннатида бахтли ҳаётни кечиришга муяссар бўлади. Ёвуз ишлари билан машҳур бўлган одамларни дўзахдаги зулмат ва азоб кутиб олади деб фараз қилинган.³

Ўлим-бу ёвузлик ифодаси , касаллик ва ўлимни келтирувчи сержаҳл худо - Анхро Манёдир. Вафот этган одамни махсус хонада ўттиз қадам оловдан , ўттиз

² Ўзбекистон тарихи. 1 китоб. А.С.Сагдуллаев. Тошкент “Донишманд зиёси” 2021й.

³ Қадимги Кеш-Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. “Шарқ нашриёт -матбаа концернининг Бош таҳририяти Тошкент – 1998й.

қадам сувдан ва муқаддас ўсимликлардан ўзоқлаштириш ва яқин қариндошлардан четлаштириш лозим эди.

Қашқадарё Ўрта Осиёнинг қадимги дафн маросимлари ва диний эътиқодларини ўрганишда энг бой ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда топилган остадонлар асосан зардуштийлик динининг анъаналари билан боғлиқ. Зардуштийлик анъанасига кўра майитнинг гўшти еб битирилгандан сўнг қолган тоза суяклар остадонларга солиб кўмилган. Қашқадарё (қадимги жанубий Суғд) остадонлари ўзининг шакли ва безатилиш услуби билан ажралиб туради.

Қашқадарёда асосий топилмалар: “Еркўрғон” Қадимги Қарши ҳудудидаги ушбу йирик шаҳардан кўплаб терракота (пиширилган лой) остадонлар топилган. Касби ва Бешкент ҳудудларидан ҳайвон шаклидаги ва турли геометрик нақшли суякдонлар аниқланган. Китоб ва Шаҳрисабз (Кеш) ҳудудларида кўпроқ кўтисимон ва минорасимон остадонлар учрайди. Қашқадарё остадонлари одатда кўтисимон-тўртбурчак шаклда, қопқоқли, минорсимон- баланд қилиб ишланган, кўпинча қопқоғида бино ёки гумбаз шакли бўлган кўринишда бўлган. Остадонлар юзасида худолар, афсонавий қушлар, ҳаёт дарахти ва диний маросимлар акс эттирилган тасвирлар кўп учрайди.⁴

Шаҳрисабз давлат музей кўриқхонаси таркибига кирувчи Чубин мадрасасидаги “Кеш маданияти ва тарихи” кўргазмасида Қашқадарё вилояти ҳудудидан топилган Остадонлар кўргазмага қўйилган. Ушбу кўргазмадан ўрин олган Остадон юзасидаги тасвирларда Зардуштийлик динини қабул қилиш маросими акс эттирилган. Бу тасвирлар ҳар бир томонда такрорланган. Уларнинг шакли юзасидаги тасвирлари бир хил, юқори қисмининг тўртта бурчагида бойқўшга ўхшаш қуш ва уларни бир-бири билан боғлаб турган ҳалқасимон доира шакли бор. Зардуштийларнинг диний тасаввурларига кўра бу қуш марҳум рўҳини ёвуз девлардан ҳимоя қилган.

Юзадаги буртма тасвирлар икки қаторда жойлашган. Юқорида бешта инсон қиёфаси, улардан иккиси удва чангга ўхшаш чолғу асбоблари чалаётган ҳолатдабири эса илтижо қилаётган ҳолатда ҳамда шу қаторда кичикроқ хажмдаги кийимсиз образ тасвирланган. Ундан ташқари шу қаторда икки эркак тасвири борки, уларни чуқурроқ ўрганиш лозим, чунки уларнинг шоҳона либосларда, қўлларидаги бизга номаълум булган нарсалар ушлаган ҳолатда ва сочлари бошқаларникига ўхшамаган яъни бир хилда ўрилган. Н.И Крашенинникова ва Ф. Гренетларнинг фикрича-эркаклардан бири, яъни бир оёғини йиғиб, бирини узатган образ – “жаннат” эгасидир. У тахтда ўтирибди, у бир вақтнинг ўзида олов эгаси ҳамдир. Уни “Ардавихшт” деб тасаввур қилиш мумкин. Уларнинг таъкидлашича, ўнг томондаги ялонғоч ўспирин қиёфасидаги марҳум руҳи иккита маъбуд томонидан кутиб олинмоқда, маъбудлар шахсини аниқлаш қийин. Руҳнинг тагига гиламча тўшалган бўлиб, бу зардушт

⁴ Зардуштийликнинг муқаддас китоби – “Авесто”.

матнларида рух билан масрурлар орасидан ажратилган жой рамзидир. Таъмирланган остадондаги ялонғоч ўспирин қиёфасидаги тасвирга ўхшаш образ талқини Авестода ҳам келтирилган. Унда айтилишича, ҳаётида зардуштийлик динидаги уч асосий тамойил, яъни “эзгу фикр”, “эзгу калом”, “эзгу амал” 8га эътиқод қилиб яшаб ўтган парсо (комил инсон)нинг ёнига 15-16 ёшлардаги ўспирин қиёфасидаги фраваш (чамаси фаришта) ташриф буюради. Унда у ялонғоч қиёфада ва ҳусни нозик бўлиб, белидан матодан тикилган махсус белбоғ ўтганлиги таъкидланади.⁵

Қуйи қаторда эса қўнғироқлар осган шохли қўй ёки эчки (архар)лар бирига тескари ҳолатда, улар орасида кўза тасвири бор. Ўртада тик турган, қўлида таёқ кўтариб олган “мубод” (саройларда “учмас олов”ни назорат махсус шахс) тасвирланган, у оғзига ниқоб тақиб олган.

Ушбу ҳолат ҳам зардуштийликка хос бўлиб мубод муқаддас оловни ўз нафасидан сақлаш мақсадида ниқоб тутиб олганлиги айтилади. Бундан ташқари лойдан ясалган, махсус идишда ёниб турган олов тасвири (“алтарь”), ҳамда жуда ҳам чиройли ясатилган отни учратамиз.

Бу ерда от бежиз тасвирланмаган, чунки ўша даврларда отларга алоҳида муносабатда бўлишган, яъни у илоҳийлаштирилган. Остадон эрамизнинг VI-VII асрларга тегишли бўлсада, ундаги буртма тасвирлар эрамиздан аввалги VI асрлардан бошлаб Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон тарихи. 1 китоб. А.С.Сагдуллаев. Тошкент “Донишманд зиёси” 2021й.
2. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар. “Шарқ нашриёт -матбаа концернининг Бош тахририяти Тошкент – 1998й.
3. Зардуштийликнинг муқаддас китоби – “Авесто”.
4. <https://wiriopedia.org>

⁵ <https://wiriopedia.org>